

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР” КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент архитектура-
қурилиш институти ректори

_____ Эржан Каҳя
“ ____ ” _____ 2021 й.

**ЧЕТ (инглиз, немис, француз) ТИЛИДАН
ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРАГА
КИРИШ ИМТИҲОНИ ДАСТУРИ**

Тошкент - 2021

Дастур Тошкент архитектура-қурилиш институти Кенгашининг 2021 йил
28 октябрдаги 1-сонли мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

Дастурни тузувчилар:

кафедра мудири доц.З.А.Утемуратова
в.б. доцент Х.А.Закирова
катта ўқитувчи Г.Ў. Шарипова
катта ўқитувчи К.М.Салимова

Ушбу дастур “Хорижий тиллар” кафедрасининг 2021 йил 18 октябрдаги
4-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

“Хорижий тиллар”
кафедраси мудири

доц. З.А.Утемуратова

КИРИШ

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳаларини ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон Қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича “Хорижий тилни эгаллаш бўйича Умумевропа ваколлати: ўқитиш, ўргатиш ва билимларни баҳолаш” (CEFR) тизimini тадбиқ қилиш асосида чет тилларни халқаро стандартларга яқинлаштирилган метод ёрдамида ўргатишни назарда тутди. Дастур катта илмий ходим ва изланувчиларнинг чет тилларидан кириш имтиҳони топширишлари учун тузилган бўлиб, чет тилларнинг барча тил фаолиятларини (оғзаки нутқ, тинглаб тушуниш, ёзиш, ўқиш) муомала воситаси сифатида эгаллашни узвий давом эттириш ва ҳозирги замон талаблари бўйича С1 яъни чет тилида ижтимоий-сиёсий йўналишдаги мураккаб материалларни тил соҳибларига яқин даражада ўзлаштира олиш ва қўллай олиш малакаларини ривожлантиришни назарда тутди. Дастур чет тилининг тўрт аспектини ўз ичига олади: оғзаки нутқ, тинглаб тушуниш, ёзиш, ўқиш.

Олий ўқув юртларида олиб борилаётган илмий изланишларнинг мамлакат умумий тараққиёти вазифаларини ечишдаги ҳиссаси ортиб бораётгани ва олий мактабда мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш катта илмий ходим-изланувчиларнинг ўқув ва илмий ишларини баравар олиб боришларини ва улар билан алоҳида-алоҳида иш олиб боришни кучайтиришни талаб қилади.

Ушбу Таянч докторантура институтига имтиҳон топширувчиларнинг ижтимоий-маданий етуклиги, ўрни, ўрганилаётган тил мамлакатлари халқларининг маданиятини, тил маданиятининг вербал ва новербал жиҳатларини, тил эгаларининг нутқий ва нокоммуникатив ҳатти-ҳаракатлари, ўзга тилдаги маданий мулоқотлар шароитида ўз мамлакатини маданиятини тақдим қила олиш; лингвистика, адабиётшунослик ва услубият соҳасида кенг миқёсдаги нутқий амалиёт билан боғлиқ касбий малакаларни ривожлантириш; мутахассисликка оид ва бошқа манбалардан когнитив, эффеқтив, коннотатив ва хулқий муносабатларни англаган, ҳис қилган ҳолда оғзаки ва ёзма матнларни танқидий таҳлил эта олиш; хорижий тилнинг оғзаки ва ёзма илмий услубий бўйича мустақил ишлаш; илмий матнларни информацион-мазмуний таҳлил қилиш, илмий ахборотларни интерпретация қилиш, илмий ахборотларни излаб топиш, олинган ахборотларни матнларда қискартириб ва кенгайтира олиш; плагиатлик-кўчирмакашликдан қочиш учун библиографик изоҳларни, цитаталарни тўғри расмийлаштира олиши ҳисобга олинади.

Дастур Европа чет тилларини билиш даражаларини баҳолаш меъёрлари: чет тили бўйича Европа тизими базавий компетенциялари, Ўзбекистон Республикаси олий таълимининг чет тиллари бўйича Давлат таълим стандарта асосида ишлаб чиқилган.

Дастур бўйича чет тилларидан Таянч докторантурага кирувчилар билимига, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар:

Таянч докторантурага кирувчилар қўйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олувчи чет тили коммуникатив компетенциясига эга бўлиши керак:

Лингвистик компетенция: ўтилган мавзулар доирасида мулоқотнинг расмий ва норасмий вазиятларида керакли лисоний бирликларни танлашни, уларнинг қўлланиш хусусиятларини билиш; ўзаро фикр алмашиш жараёнида инглиз тилининг муайян фонетик, лексик, грамматик меъёрлари ва нутқий стилистик қонуниятларини инобатга олган ҳолда муҳим ва конвенционал маънога эга матнларни тушуниш ва ифода этиш.

Ижтимоий-лингвистик компетенция: мулоқотнинг шароитига мос муайян лингвистик шакллар ва уларни ифодалаш усулларини танлай олиш (ифодалаш тарзи билан фарқ қилувчи контекст, ҳолат, ижтимоий роллар, мулоқот мақсади ва муддаоси).

Дискурсив компетенция: мулоқот шароитига мос коммуникатив стратегиялар ва тактикаларни ишлатган ҳолда инглиз тили эгалари даражасида турли услуб ва жанрга тегишли матнларни яратиш ва тушуна олиш;

Ижтимоий-маданий компетенция: инглиз тилида мулоқот олиб боришда лисоний бирликларнинг ва нутқий паттернларнинг ижтимоий-маданий қўллаш контекстини тушунишда миллий бунёдкорликка эга фрейм хусусиятларини билиш; инглиззабон миллатнинг (британияликлар, америкаликлар) коммуникатив ва нокоммуникатив ўзини тутиш ижтимоий-маданий меъёрларини билиш;

Ижтимоий компетенция: мулоқот қилишга тайёр бўлиш ва истак билдириш (ушбу истак мотивация, муносабат, эмпатия, яъни бағрикенглик, бировни тан олиш ва тушуниш, кенг фикрлиликни ўз ичига олади); ишлаб чиқариш амалиёти жабҳаларида инглиз тилида суҳбатдош билан ўзаро муносабатда махсус стратегия ва тактикалардан фойдаланган ҳолда ижтимоий ходисада мослашиш ва уни бошқара олиш;

Стратегик компетенция: тил ва фон билимида мавжуд бўшлиқларни компенсация қилиш ҳамда касбий ва инсонлараро мулоқот жараёнида пайдо бўладиган коммуникатив тушунмовчиликларни олдини олиш мақсадида вербал ва невербал коммуникатив стратегиялардан фойдалана олиш;

Ўқув-когнитив компетенцияси: мустакил равишда ўрганиш ва билимини такомиллаштиришни, ўзининг ўқув, илмий салоҳиятини ўстиришни, касбий фаолияти доирасида чет тили мулоқот жараёнларида турли манбалардан олинган касбий аҳамиятга эга янги муҳим ахборотни қайта ишлай олишни билиши керак.

Таянч докторантурага кирувчиларнинг турлари бўйича нутқий фаолиятига тайёргарлик даражаси учун қўйиладиган талаблар

Нутқ фаолият турлари	Билим/ малакалари
Тинглаб тушуниш	<p>В2+ даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Махсус тайёрланган ва тайёрланмаган диалогик ва монологик нутқни тушуниш; - Фразеологик бирликлар ва нутқдаги тургун сўз бирикмалар маъносини тушуниш; <p>Илмий ахборот, хусусан тилшунослик ва лингводидактика соҳаларидаги терминларнинг асосий моҳиятини тушуниш.</p> <hr/> <p>С1 даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Бевосита инсонлараро ва билвосита (аудио-видео ахборот) мулоқот жараёнида ахборотни тушуниш; - Илмий ахборотни, унинг баъзи тафсилотларига эътибор қаратган ҳолда бемалол тушуниш; <p>тилшунослик, лингводидактика соҳаларида ва уларга яқин булган илмий соҳаларда ишлатиладиган кўплаб терминларни тушуниш;</p>
Гапириш (диалог)	<p>В2+ даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - тил эгаси билан булган норасмий суҳбатда иштирок этиш; - Маън қилинган мавзулардан (шахсий мавзу ва ҳ.) ташқари барча мавзуларда лингвокультурологик адекватлик валисоний меъёрларни сақлаган ҳолда тил эгаларининг ўртача нутқ тезлигига яқин тезликда гапириш; - ҳис-туйғу, ҳазилларни ифодалашда турли хил лисоний воситаларни эффектив қўллаш; <p>мулоқот жараёнида ўзининг фикрларини, қарашларини аниқ ва равон баён этиш.</p> <hr/> <p>С1 даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - хар қандай мавзуда бўлган суҳбатда бемалол иштирок этиш; - тил эгалари билан расмий ва норасмий мулоқот жараёнида турли мушоҳадаларда иштирок этиш; - диалогнинг барча турларига эга бўлиш.

Гапириш (монолог)	<p>B2+ даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> -суҳбат мавзусининг мазмунини аниқ, равон ва батафсил баён этиш; -мазмун ва ҳажм жиҳатидан турли хил бўлган матнларнинг мазмунини қисқача баён этиш; предмет, объект, воқеа ва ходисаларнинг батафсил таърифини бериш; -таклиф этилган мавзуда, унинг баъзи қирраларини ривожлантирган ҳолда ахборот бериш, ўз хулосалари ва мулоҳазаларини бемалол ифода этиш. <p>C1 даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> -қўйилган вазифалардан келиб чиқган ҳолда турли манбаълардан, олинган ахборотни умумлаштириш ва ўз мулоҳазаларини аниқ ва равон ифода этиш; -ҳар хил тур ва жанрдаги матнларни ҳар тарафлама таҳлил этиш; -визуал (кўргазмали) ва вербал воситаларни ишлатган ҳолда оғзаки доклад ва презентациялар қилиш.
Ўқиш	<p>B2+ даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> -мақсад ва вазифаларни инобатга олган ҳолда турли хил ўқиш стратегияларини ишлатишни билиш (ўрганув ўқиш, танишув ўқиш, кузатув ўқиш); -матнни тезлик билан ўқиш ва услуб, жанр ва мавзу бўйича фарқланадиган турли хил матнларнинг моҳияти ва мазмунини тушуниш; асосий ва иккиламчи ахборотни аниқлай олиш; -матн мавзусини, структурасини, мазмунини, муаллиф мулоҳазаларини, асосий фикрини аниқлай олиш; реал ва фаразий фактларни фарқлаш; -тасвирлаш, тавсифлаш, мулоҳазалар, далил-исбот, кузатишни ўз ичига олган турли матнларни тушуниш, муаллиф ниятини, воқеа ва ходисалар муносабатини интерпретация қилиш; -бадий ва публицистик матнларда имплицит маънони ифодаловчи логосистема, сўз ўйини, стилистик воситалар ва кўплаб бошқа воситаларнинг маъносини тушуниш; -луғат ёрдамида жанр ва ҳажм жиҳатидан турли хил бўлган илмий матнларни (монографиялар, обзорлар, авторефератлар, ўқув кўлланмалар, мақолалар, илмий эссе ва ҳ.к.) тушуниш ва илмий ахборотнинг янгилигини, аниқлигини, ундаги нуқтаи назарларни, фактологик ва экспериментал материалларнинг аҳамиятини баҳолай олиш.
	<p>C1 даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> -жанр, ҳажм ва мураккаблиги бўйича ҳар хил бўлган матнларни тушуниш, уларнинг мазмун ва стилистик фарқларини ажрата олиш; -турли жанрдаги мумтоз ва замонавий адабиётларни тушуниш ва уларни адекват интерпретация ва таҳлил этиш;

	<p>-барча тур ва шаклдаги матнлар лингвистик таҳлилини амалга ошириш;</p> <p>-жанр ва ҳажм жиҳатидан ҳар хил бўлган илмий матнларни луғатсиз ва луғат ёрдамида тушуниш; илмий ахборотнинг аҳамиятини, янгилигини, аниқлигини баҳолаш; ҳар хил назариялар ва нуқтаи назарларни таҳлил этиш, уларни қиёслаш ва умумлаштириш.</p>
Ўзув	<p>В2+ даражаси:</p> <p>-тил эгалари томонидан қўлланиладиган меъёрлар ва қоидаларни инобатга олган ҳолда шахсий ва иш юзаси бўйича хатлар ёзиш;</p> <p>-маълумот, сўров, тасдиқ варакаларни, сўровнома ва анкеталарни тўлдириш, таржимаи ҳол ёзиш, ишга қабул қилиш юзасидан аризалар ёзиш;</p> <p>-аниқ адресатга қаратилган тасвирий, тавсифий характерга эга қисқа ва батафсил матнлар ёзиш;</p> <p>-академик ўзув техникаси (параграф ёзиш, боғловчи лисоний воситалар, нутқий ва фикрларни ривожлантириш услублари);</p> <p>-мавзунинг долзарблигини ва унда қўрилаётган муҳим жиҳатларни асослаган ҳолда эссе, доклад, реферат ва мақола ёзиш;</p> <p>-аннотация, реферат, тезис, конспеклар ёзишда матнни ўқиш, (компрессия) кўникмаларига эга бўлиш;</p> <p>-мисоллар ва асосли далиллар келтирилган ҳолда шарҳ ва изоҳлар ёзиш;</p> <p>-оғзаки ва ёзма матнларни ҳуласаламоқ ва резюмелаштириш;</p> <p>-илмий матнда библиографик рўйхат ва ҳавола келтиришни билиш.</p>
	<p>С1 даражаси:</p> <p>-хатларни ва иш юзасидан бўлган ҳужжатларни тузиш ва таржима қила олиш;</p> <p>-матнларнинг композицион тузилиш хусусиятларини (кириш, асосий қисм, хулоса) инобатга олган ҳолда, ҳамда фикрларни ривожлантириш методларини қўллаган ҳолда турли жанрдаги матнларни (эссе, мақола, доклад, реферат, конспект, магистрлик диссертацияси) ярата олиш;</p> <p>-мавзунинг ёзма баён этиш, бошқалар нуқтаи назарини умумлаштириш, зарур маълумотлар ва мисоллар келтириш, уларга баҳо бериш, ахборот бериш учун танланган жанр бўйича зарур тавсиялар ва фразлар бериш;</p> <p>-бажарилган вазифа, топшириқ, лойиҳа, илмий тадқиқот натижалари юзасидан ёзма ахборот бериш ёки тингланган курс бўйича ёзма ҳисобот бериш,</p> <p>-такриз, резюме, мақола, диссертация, маъруза, презентация ёзиш.</p>

Модуллар:

Тинглаб тушуниш модули:

Аутентик маълумот эшитиш жараёнида Таянч докторантура институтига имтихон топширувчилар нутқнинг турли услубларини қабул қилиш ва унинг асосий фикрларини излаб топиши; тинглашнинг тўрт хил йўналишига (баҳолаш мақсадида матнлар тинглаш (Appreciative listening); далда бериш, қўллаб-қувватлаш йўналишидаги матнларни тинглаш (Emphatic listening); англаш мақсадида тинглаш (Comprehensive listening); танқидий муносабат билдириш мақсадида тинглаш (Critical listening)) алоҳида эътибор бериб, уларни машқ қилиш қадамларини белгилаши; мавзуларнинг муаммосини аниқлай олиши; далиллар, мисоллар, аргументлар ва қўйилган муаммоларни саволларга мувофиқ ажрата олиши; машқдаги ахборотларни умумлаштира олиш ва олинган маълумотни танқидий таҳлил қила олиш керак.

Гапириш модули:

Таянч докторантура институтига имтихон топширувчилар ушбу модулни мулоқотнинг асоси сифатида англаши. расмий ва норасмий вазиятда қўлланадиган нутқ моделини танлай олиши; нотиклик санъати сирлари фаол машқ қилиш (омма олдида сўзга чиқилмайдиган касбий кўриниш, ўзини тутиш, қизиқиш уйғотишни ифода қилиш ва новербал усуллари, омма билан юзма-юз мулоқот, асосланган шаклда фикрини баён этиш ҳамда расмийлаштириш) ва х.к. Таянч докторантура институтига имтихон топширувчилар уч хил нутқ турларидан: (Informative-маълумот бериш, Entertaining-ҳазил-мутоиба қилиш. Persuasive- ишонтириш) вазиятга таянган ҳолда кераклигини танлай олиш қобилиятини машқ қилиши керак.

Ўқиш модули:

Бу жараён мураккаб ақлий фаолиятни талаб этади. Интенсив ўқиш асосий мақсаддир. Ўқиш стратегияларидан фойдаланган ҳолда магистрантлар таклиф этилган мавзуларнинг мазмунини тушуниб ёзма ишлар бажаришлари; асосий ахборотни иккинчи даражали ахборотдан ажратишлари; ходисаларни пайт ва сабаб-натija нуқтаи назаридан таҳлил қилишлари; фикрларнинг мантиқий боғланишини тушунишлари; воқеа-ходисаларнинг ривожини олдиндан кўра билишлари; маълумотни умумлаштириш ва хулоса чиқаришлари; уни илмий жihatдан баҳолашлари кабилар ўқиш модулини муҳим йўналишидир.

Ёзув модули:

Ёзув жараёни фикрлар тўплаш билан боғлиқ. Унинг турлари:

- тушунтириш мақсадида ёзув (Explaining);
- аргументатив ёзма нутқ (Argumentative);
- тасвирлаш мақсадида тузилган матн (Discription);
- таҳлил матни (Analysis);
- баён матни (Narration).

ИНГЛИЗ ТИЛИДАН НАЗОРАТ САВОЈЛАРИ

1. In what research are you engaged? How would you justify...?
2. What is your scientific research devoted to?
3. Who or what influenced on your research choice?
4. Why did you choose this but not another theme?
5. What is the subject of your research? What is the main idea...?
6. Who is your scientific leader'?
7. Do you consult your leader?
8. How does your scientific leader help you to overcome problems in your scientific research?
9. Did you get other consultations anywhere except your leader?
10. Where do you usually work at your scientific research?
11. Do you work alone or in collaboration with your fellow-workers?
12. Is it difficult to find everything you need for your research?
13. In what field of science do you carry on research?
14. What is the object of your investigation?
15. Can you write this scientific research in English?
16. How are you going to provide your scientific research in real life?
17. What investigation do you provide in your research;(statistic data, new amendments)?
18. What are the most important points of the main part of your research?
19. Does your research cover a wide range of subjects?
20. What literature do you use?
21. What publications have you written and published as for your research:
22. What are the titles of your published papers?
23. What data was used to make the conclusion...?
24. Is your work of practical or scientific value? Why?
25. Was it your purpose from the beginning of your work or changed during your working?
26. What /law/ specialists can evaluate (asses) your research?
27. What are you going to prove in the course of your research?
28. Whom is your research addressed to?
29. How can the title of your research reflect the content?
30. Does your research need further investigations?
31. What conclusion can you draw?
32. Have you participated in any conferences, seminars, quizzes, on the subject of your research?
32. What purposes have you achieved in your project?
33. Who has helped you to get over problems in your research?
34. What was the hardest problem during your research making?
35. How does knowledge of English help you in your research preparing?
36. Do you make use of English in your research?
37. How is your work progressing?
38. As for your opinion what shortcomings are in the theory of the question of foreign authors?
39. What information did you get from foreign sources?
40. How would you use the results of your research in your current work?

ФРАНЦУЗ ТИЛИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Comment est le titre de votre thèse de doctorat ?
2. Par qui est dirigé votre travail scientifique ?
3. Vos articles sont-ils publiés ?
4. Est-ce que vous avez pris part aux conférences avec vos articles ?
5. Combien de chapitres se compose votre thèse ?
6. Quelle est la nouveauté de votre recherche ?
7. Quelle est l'actualité de votre thèse ?
8. Quelles méthodes scientifiques sont utilisées dans votre travail scientifique ?
9. Quels est l'objet de votre thèse ?
10. Profitez-vous de littératures étrangères ?
11. Par quelles dissertations sont apprises votre thème ?
12. Est-ce que vous profitez de l'Internet et de quelles sites prenez-vous les informations ?
13. Sur quelles théories des savants étrangers est basé votre thèse ?
14. Est-ce que vous avez publié des articles dans les revues scientifiques de notre pays ?
15. Est-ce que vous avez publié la monographie ?
16. Dans quels domaines on peut utiliser votre thèse ?
17. Pouvez-vous exprimer dans un résumé le contenu de vos recherches ?
18. De quelles oeuvres du Président de notre pays vous avez utilisé dans votre thèse ?
19. De quelles bibliothèques serviez vous pendant la recherche ?
20. Est-ce que vous avez consulté avec votre dirigeant scientifique ?
21. Qui est votre dirigeant scientifique ?
22. Est-ce que votre dirigeant scientifique aidez-vous ?
23. Pouvez-vous écrire de votre thèse en français ?
24. Dans quelles bibliothèques vous avez travaillé ?
25. Pouvez-vous exprimer dans un résumé le contenu de vos recherches ?

НЕМИС ТИЛИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Wie heißt Ihre wissenschaftliche Arbeit?
2. Welchem Problem ist Ihre Doktorarbeit gewidmet?
3. Wer hat Sie bei Ihrer Wahl des Themas beeinflusst?
4. Warum haben Sie nämlich dieses Thema gewählt? Was ist Ihr Forschungsobjekt?
5. Wer ist Ihr wissenschaftlicher Betreuer?
6. Was ist Ihr wissenschaftlicher Betreuer?
7. Auf welche Weise hat Ihr Betreuer beim Lösen der aufkommenden Probleme in Ihrer Forschung geholfen?
8. Haben Sie Ihre wissenschaftliche Arbeit mit jemandem außer Ihrem Betreuer besprochen?
9. Wo arbeiten Sie Normalerweise an Ihrer wissenschaftlichen Arbeit?
10. Arbeiten Sie alleine oder mit einem Kollegen?
11. Ist es schwer die Materialien für Ihre Forschung zu finden?
12. Können Sie Ihre Doktorarbeit in der deutschen Sprache schreiben?
13. Welche Rolle spielt Ihre Forschung für die Wissenschaft?
14. Erzählen Sie über die Aktualität Ihrer Doktorarbeit?
15. Erzählen Sie über die wichtigsten Punkte im Hauptteil Ihrer Doktorarbeit.
16. Welche Literatur haben Sie benutzt?
17. Wie viele ausländische Forschungsliteratur haben Sie benutzt?
18. Wo haben Sie die Resultate Ihrer Forschung veröffentlicht?
19. Wie viele Veröffentlichungen zu Ihrem Thema haben Sie?
20. Nennen Sie einige Titel Ihrer Veröffentlichungen.
21. Hat Ihre Forschung praktische oder theoretische Bedeutsamkeit? Warum?
22. Haben Sie Ihr Forschungsvorhaben während der Arbeit geändert?
23. An welchen Tagungen und Konferenzen haben Sie mit Ihrem Thema teilgenommen?
24. Was war Ihr größtes Problem bei der Forschung?
25. Könnte die Aufenthalt in Deutschland bei Ihrer Forschung behilflich sein? Wie?

Нутқнинг лексик жиҳати: касбий йўналишдаги продуктив мутахассислик сўз луғати 300 лексик бирлик, ҳамда ижтимоий маиший ва ижтимоий-сиёсий мазмундаги 300 лексик бирликдан иборат; рецептов сўз бойлиги - турли манбалардан олинган матнлар ва потенциал лексика устида ишлаш жараёнида 900 лексик бирликдан иборат. Катта эътибор сўзларни аниқлик билан керакли жойда ишлатилши масалаларига қараталади (ноаниқсўз ишлатмаслик, полисемия (кўп маънолик), омонимлар, паронимларнинг фарқларини билиш, тор мутахассисликда қўлланиладиган сўзларни билиш).

Нутқнинг грамматик жиҳати: нутқнинг функционал услубига хос семантик-стилистик, мураккаб синтактик тузилмалар устида ишлаш (илмий-информатив, илмий- маълумот, ўқув-илмий, публицистик услублар ва уларнинг жанрлари).

Баҳолаш мезонлари

Кириш синови ёзма ҳамда оғзаки равишда ўтказилиши белгиланган бўлиб, 100 баллик мезон асосида баҳоланади.

Ҳар қайси саволга ёзган жавоби қуйидагича баҳоланади:

Ҳар бир савол учун балл	Жавобга қўйиладиган талаблар
86-100	Қўйилган саволга тўлиқ жавоб берган. Назарий жиҳатларини ёритишда хатолик ва чалкашликка йўл қўйилмаган. Мустақил равишда мушоҳада юритиб баён этилган. Амалий мисоллар билан асослаб баён этилган. Хулосани тўғри шакллантирган. Фикрлар эркин баён этилган.
71-85	Саволнинг моҳиятини тушунган. Жавобни ёритиб бера олган. Амалий мисоллар келтирилган. Тасаввурга эга. Қисқача хулоса берган. Фикрларни содда баён этган.
55-70	Савол моҳиятини тушунган. Қисқа шаклда жавоб ёритилган, Мисоллар билан асосланмаган. Хулоса килинган.
0-54	Саволнинг айрим элементларигина ёритилган, ёки умуман ёритилмаган. Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас.

Дастурнинг инфорацион-методик таъминоти

Инглиз тили

Асосий адабиётлар:

1. A.A. Ismailov, V.A. Fyodorov, Home Study Book (Zero level, Elementary level). -Т.; 2008.
2. A.A. Ismailov, V.A. Fyodorov, O.Morozova English for market economy. - Т.; 2008.
3. Don Shiach. How to write essay. - Oxford. 2009.
4. Martin Hewings. Advanced Grammar in use. Cambridge. 1998
5. Аракин В., Д.Практический курс английского языка. 1-част.,- Международное отношение, 2000.
6. Качалова В.Н. Практическая грамматика английского языка. -М., 2000.
7. Жўраева И.А., Абдуллаева М.А. Инглиз тили амалий сўзлашуви. Т., 2004.
8. Усмонова Д.А. Communication and computer skills. Т. 2007
9. Raymond Murphy. English Grammar in USE.-Oxford University Press, 1998.
10. Martin Seviar. Word Wise.-«Sharq». Publishing House, 1997.
11. Sue Kay and Vaughan Jones. Inside Out (Intermediate)Macmillan, 2000.
12. Sue Kay and Vaughan Jones. Inside Out (upper intermediate) Macmillan, 2000.
13. Lognnie Prather. World English. N.U. 1996.
14. Mark Hawcock English pronunciation in Use (intermediate).Cambridge University Press. 2007
15. Developing Grammar in Context. Oxford. 2007
16. Lis and John Soars. New headway. Intermediate. Oxford. 2003.
17. Sarah Cunningham and Bill Bowler. Headway. Oxford University Press. 1994.
18. Virginia Evans. Round Up-4 . Longntan.2005.
19. Martin Hewings. Advanced English Grammar. Cambridge.2011.
20. ИвановА.О. English Conversational Formulas. - М., 1989.

Кўшимча адабиётлар:

1. Alex Martin and Robert Hill., Modem Short Stories. –Cambridge University Press, 1986.
2. Maugham S. Stories. - L.: «Просвещение». 1976.
3. Лтoния И.If, Валиева М.И. Сoслагательное наклонение. ТашГУ.1982.
4. Michael Vince., Paul Emmerson. Intermediate. Language Practice. English Grammar and Viinaliulary.Macmillian.2003.
5. Mil had Vince., Peter Sunderland. Advanced. Language Practice. English Grammar and Vi и aliulaiy. Macmillian.2003.
6. MnilinI Icvvings. Advanced grammar in use. Cambridge University Press, 2005.

Электрон таълим ресурслар:

1. www.onestopenGLISH.uz
2. ww.maccvillianenglish.com

Француз тили

1. Раҳбарий адабиётлар:

1. I.A. Karimov. “L’Ouzbékistan à la veille de XXI siècle”.Т., 2009
2. I.A.Karimov.“L’Ouzbékistan dans la voie de l’approfondissement des reformes économiques”/Т., 2009

2. Асосий адабиётлар

1. Абдушукурова Л.А, Климова А.А., Гродзинская Т.В., Manuel de Français, Т., 1982
2. Тарасова А.Н. Грамматика французского языка М.: “Лист” 2010.
3. Иванченко А.И. Практика французского языка. Санкт-Петербург: “Союз” 2002
4. Ганшина К.А. Русско-французский словарь. М.: 2008
5. Щерба Л.В. Русско-французский словарь. М.: 2005
6. C’Abbadie et d’autres. L’expression Français écrite et orale.Paris, 2002
7. Claire Miquel. Grammaire en dialogues. Michele Boulares. Paris,2005
8. Daniel Rivière. Histoire de la France. Paris,1986
9. Dominique Ph., Girardet J. Le Nouveau sans frontières 1, 2, 3, 4. Paris, 1990
10. Dominique Ph., Girardet J. Le Nouveau sans frontières I. P.,1988
11. Ганшина К.А. Русско-французский словарь. М.:1995
12. Dictionnaire encyclopédique « Hachette » М. 1998
13. Dictionnaire encyclopédique « Larousse » М.1997
14. Jean Louis Frerot. Grammaire progressive du Français(avec 400 exercices). Paris,2005

Электрон таълим ресурслари:

1. www.granddictionnaire.com
2. www.francophonie.hachete-livre.com
3. www.portal.lettres.net.
4. www.citationsdumonde.com5
5. www.français-affaires.com

Немис тили

Асосий адабиётлар

1. Наимов С. ва бошқалар. Немис тили Т., 2004
2. Дадаходжаева М. ва бошқалар. Deutsch Т., 2005
3. Шакирова Н.Ю. Немис тили модал феъллар. Ўқув кўлланма Т., 2010
4. Tatsachen uber Deutchhland Frankfurt/Main, 2007
5. Татарина В.А. Учебник немецкого языка с основами научного перевода М., 2001

Электрон манбалар:

<http://www.langinfo.ru>

<http://www.lingvoda.ru/forum/actualthread.aspx?bid=2&tid=244>

<http://www.scholar.google.com>

<http://www.books.googl.com>

<http://www.library.nu>

<http://wwwcfnoo-net>

<http://wwwzu-translanions.su>

